



100047, O'zbekiston, Toshkent, Buxoro ko'chasi, 10

10, Bukhoro str., Tashkent, Uzbekistan, 100047

Tel.: 998 (71) 236-06-35 Fax: 998 (71) 232-07-31

www.csm.gov.uz

www.openinfo.uz

e-mail: info@csm.gov.uz

“ ” 201__ y. № _____

ҚАРОР 15-07/013

«21» июль 2017 йил

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази «O'zbekneftgaz» milliy holding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining 2017 йил 24 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сонли «Давлат улуши устувор бўлган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига, Марказнинг Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасининг 2017 йил 21 июлдаги 07-21/062-сонли билдиришномасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-рақам билан рўйхатга олинган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш Қоидаларининг 100-бандига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ-2635-сонли «Давлат улуши устувор бўлган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «O'zbekneftgaz» milliy holding kompaniyasi aksiyadorlik jamiyati акцияларининг давлатга тегишли бўлмаган оддий акцияларни имтиёзли акцияларга айирбошланиши муносабати билан жамиятнинг Марказ томонидан 2000 йил 8 майда P0178, 2006 йил 2 февралда P0178-2, 2012 йил 22 майда P0178-3, 2013 йил 25 апрелда P0178-4, 2016 йил 14 апрелда P0178-5, 2016 йил 23 декабрда P0178-6, 2017 йил 12 майда P0178-7-рақамлар билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишларини Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- жамиятнинг 2017 йил 10 июлдаги 11-21-120-сонли аризаси;
- 2000 йил 8 майда P0178, 2006 йил 2 февралда P0178-2-рақамлар билан давлат рўйхатига олинган акциялар эмиссия рисоаларининг асл нусхалари;
- 2012 йил 22 майда P0178-3, 2013 йил 25 апрелда P0178-4-рақамлар билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларининг ва эмиссия рисоаларининг асл нусхалари;
- 2016 йил 14 апрелда P0178-5, 2016 йил 23 декабрда P0178-6 ва 2017 йил 12 майда P0178-7-рақамлар билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорларининг асл нусхалари;

